

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06.2025.27.12.Tib.19.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

УБАЙДУЛЛАЕВ ШЕРОЗБЕК ФАРХОДОВИЧ

**ТИРСАК БЎҒИМИНИ ЖАРОҲАТДАН КЕЙИНГИ ВАЛЬГУСЛИ
ДЕФОРМАЦИЯЛАРИНИ ЖАРРОҲЛИК ЙЎЛИ БИЛАН ДАВОЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.22 – Травматология ва ортопедия

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Убайдуллаев Шерозбек Фарходович

Тирсак бўғимини жароҳатдан кейинги вальгусли деформацияларини
жаррохлик йўли билан даволашни такомиллаштириш..... 3

Убайдуллаев Шерозбек Фарходович

Усовершенствование хирургического лечения посттравматической
вальгусной деформации локтевого сустава 23

Ubaydullayev Sherozbek Farxodovich

Improving surgical treatment of post-traumatic valgus deformity of the
elbow joint 45

Эълон қилинган нашрлар рўйхати

Список опубликованных работ
Lists of published works 48

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06.2025.27. Tib.19.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

Убайдуллаев Шерозбек Фарходович

**ТИРСАК БЎҒИМИНИ ЖАРОХАТДАН КЕЙИНГИ ВАЛЬГУСЛИ
ДЕФОРМАЦИЯЛАРИНИ ЖАРРОХЛИК ЙЎЛИ БИЛАН ДАВОЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.22 – Травматология ва ортопедия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновация вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2025.2.PhD/Tib6077 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uzniito.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) ва Миллий ахборот агентлиги веб-саҳифаларида (www.uza.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Ходжанов Искандар Юнусович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Уринбаев Пайзулла Уринбаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Хужаназаров Илхом Эшқулович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.06.2025.27.12.Tib.19.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «_____» _____ кuni соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100147, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100147, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30.

Диссертация автореферати 2026 йил «_____» _____ кuni тарқатилди.
(2026 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Э. Ирисметов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

У.М. Рустамова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори (DSc), катта илмий ходим

А.П. Алимов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори (DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори диссертациясига аннотацияси (PhD))

Тадқиқот мавзуси долзарблиги ва зарурати. Тирсак бўғими шикастланиши асоратларини даволаш болалар травматологиясининг долзарб муаммолардан бири бўлиб, «...елка суяги бўғим юзи бошчаси жароҳатларидан кейинги тирсак бўғими вальгусли деформацияси 4,7-21,9%ни ташкил этади...»¹. Болаларда тирсак бўғими шикастланишларининг мураккаблиги, жароҳатга бўлган реактив бўғим ўзгаришлари, маҳаллий репаратив жараёнларнинг жадал кечиши каби ўзига хос анатомио-физиологик хусусиятлар елка суяги бўғим юзи бошчаси сохта бўғими оқибатида юзага келадиган тирсак бўғими вальгусли деформацияси, ҳамда тирсак нерви неврити каби асоратлар улушининг кескин ошишига, шунинг асосида беморларда эрта ногиронликнинг юзага келиши билан ижтимоий-иқтисодий муаммога айланишига асос бўлмоқда.

Жаҳонда тирсак бўғими вальгусли деформацияларини бартараф этишнинг қатор хирургик даволаш усуллари ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг аксарияти босқичма-босқич йўл билан амалга оширилган. Олимлар томонидан тирсак бўғими вальгусли қийшиқлигида амалий жиҳатдан юқори аҳамият касб этадиган елка суяги дистал қисмидан понасимон, гумбазсимон, step-cut каби коррекцияловчи остеотомия усуллари, ҳамда зарурий ҳолатларда тирсак нерви транспозицияси каби жарроҳлик амалиётларини кенг миқёсда ишлаб чиқилиб амалиётга тадбиқ этилди. Фиксация мақсадида эса суяк бўлақларини очиқ репозицияси ва пластина, спица, винт, tension band ва ташқи фиксация мосламалари – Илизаров аппарати билан остеосинтези, шу жумладан эндопротезлаш каби усуллар ишлаб чиқилган. Охирги вақтларда миниатюр титан винтлар фиксация мақсадида таклиф қилинмоқда. Аммо, елка суяги бўғим юзи бошчаси сохта бўғими ривожланиш муддатини инобатга олган ҳолда ягона даволаш тактикасини ишлаб чиқиш ва тирсак бўғими вальгусли қийшиқликларида оператив даволаш усуллари борасида ягона фикр мавжуд эмас. Ушбу мулоҳазалар, аксарият ҳолларда болалик даврига тўғри келади ва ўсмир ва катта ёшли беморларда тирсак бўғими вальгусли қийшиқлигини ташхислаш, даво тактикасини танлашга доир маълумотлар деярли мавжуд эмас.

Ўзбекистонда ҳам тирсак бўғими вальгусли қийшиқлиги муаммосига доир илмий тадқиқот ишлари ўтган асрнинг 60-70 йилларига бориб тақалиб, аксарият амалга оширилган илмий тақиқот ишлар болалар ёшига тўғри келади ва кам инвазив фиксация усули сифатида Илизаров аппаратидан фойдаланиб стабил функционал остеосинтезга қаратилгандир. Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимояси ҳамда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга, жумладан, беморларда тирсак бўғими вальгусли қийшиқлигини ташхислаш ва хирургик даволашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни

1. Байков, А.В. Крутько / Ошибки и осложнения при устранении посттравматических фронтальных деформаций локтевого сустава. 2022. Том 28, – №. 5. – С. 125-133.

янада ривожлантириш бўйича «...аҳолига тиббий хизматнинг самарадорлиги, сифати ва оммавийлигини ошириш, патронаж хизмати ва диспансер бошқарувининг самарадор моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзи ва касалликлар олдини олиш чора тадбирлари»² белгиланган. Болаларда тирсак бўғими вальгусли қийшиқлиги юзага келишини олдини олиш ва сифатли даволашда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш касалланиш кўрсаткичлари ва юзага келадиган асоратлар улушини камайтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича кўшимча чора тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Болаларда елка суяги дистал қисми бўғим ичи синишлари орасида аҳамиятли деб ҳисобланган синишлар бўлиб, улардан елка суяги бўғим юзи бошчаси эпифизеолиз ва остеоэпифизеолизлари кўпгина хорижий муаллифлар маълумотларига кўра ушбу синишлар 3,5-20% ни ташкил этади [Akhtar A., Hughes B., 2021]. Тирсак бўғим соҳаси жароҳатлари ва уларнинг асоратларини кўп сонли консерватив ва оператив даволаш усуллари мавжудлигига қарамасдан турли кўринишдаги асоратлар ва қониқарсиз натижалар ҳали ҳамон юқори миқдорий сонлар билан белгиланмоқда (18-85%) ва синиқ соҳаси битмаслиги ва сохта бўғим юзага келиши 13-27%гачани ташкил этмоқда [Сой.И.В., 2024]. Асоратланиш даражаси бўйича тирсак бўғимини ташкил этувчи суяк элементлари синишлари биринчи ўринни эгаллайди [Agrawal R], асоратлар юзага келиши эса турли тактик, диагностик ва даволашдаги хатоликлар билан боғлиқ бўлади. Солдатов Ю.П ва Дорохин А.И.ларнинг [2019] фикрича, елка суяги бўғим юзи бошчаси битмаслиги ва сохта бўғимларини жарроҳлик усулида даволаш натижалари жуда ташвишли бўлиб қолмоқда ва қониқарсиз натижалар 26,6–50%ни ташкил этмоқда. Елка суяги бўғим юзи бошчаси сохта бўғимлари ва тирсак бўғими вальгусли қийшиқлигини даволаш ўта

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.10.2020 йилдаги ПФ-6099-сон «Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони

мураккаблигича қолаётганлиги таъкидланади ва ушбу категорияли беморларда нафақат суяк бутунлиги ва қўл ўқини тўғрилаш, балки, елка суяги дистал қисми деформацияланиши, елка суяги бўғим юзи бошчаси ва тирсак ўсиғи чуқурчаси остеофитлари туфайли юзага келган тирсак бўғими контрактурасини ҳам бартараф қилиш лозимлиги ҳисобланади [Овсянкин Н.А., Меркулов В.Н., Стужина В.Т., 2010]. Ушбу муаммони хал қилишда елка суяги бўғим юзи бошчасининг шаклланган сохта бўғимларида ауто- ва аллосуяк трансплантатлари, винт ва Илизаров аппаратларини қўллаб амалга ошириладиган турли жарроҳлик амалиётлари таклиф этилган [Баиров Г.А., 2003; Ярашев Т.Я., 2015].

Ўзбекистонда қўл ўқининг варусли ёки вальгусли ўзгаришлари билан кечадиган тирсак бўғими нотўғри битган, битмаган синиклари ёки сохта бўғимларида понасимон коррекцияловчи остеотомияни тирсак бўғими капсуласи артролизи билан бажариш таклиф этилган [Ходжанов И.Ю., Хужаназаров И.Э., 2016; Уринбаев П.У., 2023]. Тирсак бўғими деформациясини тўғрилаш учун понасимон, медиал понасимон, ромбсимон, трапециясимон каби турли остеотомия усуллари кенг ёритилган [Хусанов Ш.Р., 2020]. Фиксация мақсадида бир қатор фиксаторлар: кегайлар, винтлар, метал пластиналар, ўралувчи симлар ва турли ташқи конструкцион аппаратлар қўлланилади. Аммо, метал мосламаларни қўллаб, амалга ошириладиган жарроҳлик усуллари амалиёт ҳажмини кенгайтириб, жароҳат соҳасида сезиларли микроциркуляциянинг ёмонлашуви ва асептик некрознинг ривожланиши оқибатида сохта бўғим соҳасида остеопластик жараёнларни ёмонлашувига хизмат қилиши бир қатор олимлар илмий тадқиқот ишларида ёритилган [Уринбаев П.У., Давиров Ш.М., 2024].

Елка суяги дистал қисми эскирган жароҳатларида даво тактикаси ва даво усуллари танлашда беморларнинг ёши, елка суяги дистал қисми сохта бўғим соҳасида сақланиб қолган суяк элементлари ҳажми, шикастланган қўлда тирсак бўғими функционал имкониятлари ва албатта, тирсак бўғими соҳасидаги деформациянинг тури ва ҳажмини ҳисобга олишимиз зарур. Бундан ташқари, елка суяги дистал қисми эскирган жароҳатларида амалиётдан кейин суяк фрагментлари консолидацияси жараёнининг мукамал даражагача етгунига қадар – 3,5 – 4,0 ойгача ташқи фиксацион мосламалар, Илизаров аппаратларини сақлаб туриш лозим бўлади [Ding K. 2021], бу эса ўз навбатида тирсак бўғими функционал имкониятларини кескин чекланишига, контрактура ривожланишига сабаб бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, тирсак бўғими вальгусли қийшиқликларида елка суяги дистал қисмидан коррекцияловчи остеотомиялардан сўнг турли фиксацион мосламаларни, керак бўлганда, гибрид ҳолда қўллаш орқали тирсак бўғими ҳаракат амплитудасини яхшилаш, яъни шикастланган қўл ўқини ҳам анатомик ва ҳам функционал жиҳатдан тўлақонли тиклаш имконини берадиган замонавий, инновацион технологияларга бағишланган илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш долзарб вазифалардан бўлиб қолмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази илмий тадқиқотлари режалари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади тирсак бўғими вальгусли деформациялари бўлган беморларни ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш орқали даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

тирсак бўғими вальгусли деформацияси мавжуд беморларда клиник ва радиологик тадқиқот усуллари орқали тирсак бўғими анатомик ва функционал ҳолатини баҳолаш;

беморларда жароҳат муддати, вальгусли қийшиқ даражаси ва елка суяги дистал қисми анатомик дефект ҳажмини инобатга олиб даво усулини танлаш тактикасини ишлаб чиқиш;

тирсак бўғими вальгусли деформацияларида елка суяги дистал қисми анатомо-функционал имкониятлари тиклаш имконини берадиган жарроҳлик технологиясини такомиллаштириш;

тирсак бўғими вальгусли деформацияларини даволашдан олдин ва кейинги яқин, узоқ натижаларининг қиёслама таҳлилини ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий амалий тиббиёт маркази ва Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли клиникасида даволанган 85 нафар турли ёш гуруҳи ва оғирлик даражасидаги тирсак бўғими вальгусли деформациялари мавжуд беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида тирсак бўғими вальгусли қийшиқлиги мавжуд беморларда ўтказилган клиник-инструментал (клиник, рентгенологик, МСКТ) текшириш натижалари, беморлардан олинган лаборатор таҳлил натижалари ва статистик маълумотлар олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга ошириш давомида клиник, рентгенологик, ЭНМГ, МСКТ ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

елка суяги бўғим юзи бошчасининг сохта бўғими асосида юзага келган «патологик ўчоқ дефекти» ҳажмини аниқлашнинг такомиллаштирилган тактикаси орқали бўғим юзи бошчасининг (гипертрофияланган ёки атрофияланган) ҳолати, дистал метафизнинг ўлчами, блок соҳасидаги асептик некрози даражаси тирсак бўғимининг вальгус деформациясининг даражасига тўғри пропорционал эканлиги исботланган;

елка суяги бўғим юзи бошчаси сохта бўғими асосида юзага келган тирсак бўғимининг вальгусли деформациясини хирургик даволашда елка суягини дўнглар усти коррекцияловчи остеотомияси ҳамда қисман резекцияси бажарилиб, сохта бўғим соҳасида гибрид технология: суяк фрагментларини учитагача спонгиоз винтларини диагонал ва горизонтал кесимларда ўрнатган ҳолда бир вақтнинг ўзида Илизаров аппарати билан фиксация қилиш усули ишлаб чиқилган, бунда суяк ўқи тўғриланиб, стабил фиксацияга эришиш имконини берган;

елка суяги дистал қисми «патологик ўчоқ дефекти» нинг ҳажми, тирсак бўғими вальгусли деформацияси даражаси ва сохта бўғим муддати кўрсаткичларини инобатга олиш тирсак бўғими вальгусли деформациясини даволаш тактикасини белгилашда елка суяги дистал қисми дефектини бартараф этиш ва қўл ўқини нормаллаштириш учун оптимал эканлиги исботланган;

тирсак бўғими вальгусли деформацияларини бир босқичли ва гибрид технологияни қўллаган ҳолда жарроҳлик амалиёти бажарилган беморларнинг қўл иш фаолиятини баҳолаш учун соддалаштирилган ва амалий тиббиётга мослаштирилган баҳолаш мезонлари беморларнинг функционал имкониятларини адекват баҳолашга имкон бериши исботланган, бунда 77,8% қиёсий гуруҳ беморларидан фарқли равишда 94% асосий гуруҳ беморларида яхши натижалар улушининг ошганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

елка суяги бўғим юзи бошчаси, елка суяги дистал қисми метафизилateral қисми ва елка суяги ғалтагидаги асептик некроз даражасини инобатга олиб, елка суяги дистал қисми «патологик дефект» ҳажмини аниқлаш имконини берадиган оптимал баҳолаш дастури ишлаб чиқилган;

елка суяги бўғим юзи бошчасидаги асептик некроз муддати, қўл ўқининг вальгусли қийшиқлиги даражаси ва елка суяги дистал қисми «патологик дефект» ҳажми кўрсаткичларини инобатга олиб, елка суяги дистал қисми асептик некрозини баратараф этиш ва қўл нормал ўқини тиклаш имконини берувчи оптимал жарроҳлик усулини танлаш мезонлари белгиланган;

тирсак бўғими вальгусли деформацияларини даволашда Илизаров аппаратини 6-8 ҳафта муддатларида ечилиши асосида беморларда тирсак бўғимини фаоллаштириш косметик ва функционал натижаларга эришиш имконини бериши исботланган;

тирсак бўғими вальгусли деформациясида амалиёт соҳасида етарли даражада стабилликни таъминлаб, тирсак бўғим функционал имкониятларини яхшилаш имкони берадиган Илизаров аппарати ва кичик ўлчамли спонгиоз винтлар ёрдамида амалга ошириладиган хирургик гибрид технология ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий ишда қўлланилган усуллар, тадқиқот беморлари сонининг етарлилиги, клиник, рентгенологик, МСКТ тадқиқот усулларида олинган натижаларнинг статистик таҳлиллар ёрдамида тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тирсак бўғими вальгусли қийшиқликларида елка суяги дистал қисми «патологик дефекти» тушунчаси яратилганлиги, елка суяги бўғим юзи бошчаси сохта бўғими муддати, вальгусли қийшиқлик даражаси ва юқорида кўрсатилган елка суяги дистал қисми «патологик дефекти» даражасини инобатга олиб, даво усулларида кўрсатмалар ишлаб чиқиш, даво тактикасини танлаш ва ўрнатилган метал мосламаларни олиш муддатлари аниқланганлиги, ушбу жароҳатларда Илизаров аппарати ва кичик ўлчамли спонгиоз винтлар ёрдамида амалга

ошириладиган хирургик гибрид технология ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тирсак бўғими вальгусли кийшиқликларида ишлаб чиқилган остеосинтез усулини қўллаш, бунда жарроҳлик амалиётининг 2 компонентдан иборатлиги, ҳар бир компонент ўзига хос, беназир хусусиятлар ва афзалликларга эгаллигининг исботланиши, бу эса беморларни даволаш сифати ва самарадорлигини ошириши, бир босқичда шикастланган қўл ўқини тиклаш ва тирсак бўғими функционал имкониятларини яхшилаши, беморларга ортиқча реабилитация чора тадбирларни ўтказиш зарурати йўқлиги, ҳамда касалликнинг эрта ва кечки асоратларини кескин камайтириш имкони яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий маркази Эксперт кенгашининг 2023 йил 23 мартдаги 03/5-сон хулосасига кўра (илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий марказининг 2023 йил 20 январдаги 03/80а-сон хати юборилган):

биринчи илмий янгилик: елка суяги бўғим юзи бошчасининг сохта бўғими асосида юзага келган «патологик ўчоқ дефекти» ҳажмини аниқлашнинг такомиллаштирилган тактикаси орқали бўғим юзи бошчасининг (гипертрофияланган ёки атрофияланган) ҳолати, дистал метафизнинг ўлчами, блок соҳасидаги асептик некрози даражаси тирсак бўғимининг вальгус деформациясининг даражасига тўғри пропорционал эканлиги исботланган Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий филиалининг Травматология ва ортопедия булими (25.08.2025, № 7/1) ва Хоразм вилоят болалар куп тармокли тиббиёт маркази (11.08.2025, № 221/1) клиник амалиётига жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* куйидагилардан иборат: елка суяги бўғим юзи бошчаси сохта бўғимида «патологик ўчоқ дефекти» ҳажмини аниқлашнинг такомиллаштирилган тактикаси ишлаб чиқилди. Бунда бўғим юзи ҳолати, дистал метафиз ўлчамлари ва асептик некроз даражасининг тирсак бўғими вальгус деформацияси даражасига тўғридан-тўғри боғлиқлиги исботланди. Ижтимоий самарадорлиги ташхис ва даволаш тактикасини оптималлаштириш, эрта реабилитацияни бошлаш ва қониқарсиз натижаларни 4,6% гача камайтириш билан ифодаланади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* эса даволаш жараёнларини оптималлаштириш ҳисобига ҳар бир бемор учун ўртача 725 000 сўм маблағ тежалиши билан изоҳланади. *Хулоса.* Елка суяги бўғим юзи бошчасининг сохта бўғими асосида юзага келган «патологик ўчоқ дефекти» ҳажмини аниқлашнинг такомиллаштирилган тактикаси орқали қониқарсиз натижаларни камайтириш ҳисобига 1 нафар бемор учун 725000 сўм иқтисод қилишга имкон берди.

иккинчи илмий янгилик: елка суяги бўғим юзи бошчаси сохта бўғими асосида юзага келган тирсак бўғимининг вальгусли деформациясини хирургик

даволашда елка суягини дўнглар усти коррекцияловчи остеотомияси ҳамда қисман резекцияси бажарилиб, сохта бўғим соҳасида гибрид технология: суяк фрагментларини учитагача спонгиоз винтларини диагонал ва горизонтал кесимларда ўрнатган ҳолда бир вақтнинг ўзида Илизаров аппарати билан фиксация қилиш усули ишлаб чиқилган, бунда суяк ўқи тўғриланиб, стабил фиксацияга эришиш имконини берган Тадқиқот натижалари Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий филиалининг травматология ва ортопедия бўлими (25.08.2025 й., № 7/1) ҳамда Хоразм вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази (11.08.2025 й., № 221/1) клиник амалиётига жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: Ушбу усул елка суягининг дўнглар усти коррекцияловчи остеотомияси ва қисман резекцияси, шунингдек, суяк фрагментларини спонгиоз винтлар ва Илизаров аппарати ёрдамида бир вақтнинг ўзида фиксация қилишни ўз ичига олади. Натижада суяк ўқини анатомик тиклаш ва барқарор фиксацияга, беморларда қўл функциясини тиклаш ва ҳаёт сифатини яхшилашга эришилди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* эса қониқарли натижаларнинг 20,5% га ошиши, қониқарсиз ҳолатларнинг 5,8% гача камайиши ҳамда ҳар бир бемор учун ўртача 5325000 сум маблағ тежалиши билан асосланади. *Хулоса.* елка суяги бўғим юзи бошчаси сохта бўғими асосида юзага келган тирсак бўғимининг вальгусли деформациясини хирургик даволашда елка суягини дўнглар усти коррекцияловчи остеотомияси ҳамда қисман резекцияси бажарилиб, сохта бўғим соҳасида гибрид технологиясининг ишлаб чиқиши 1 нафар бемор учун 5325000 сўм иқтисод қилиш имконини берган.

учинчи илмий янгилик: елка суяги дистал қисми «патологик ўчоқ дефекти» нинг ҳажми, тирсак бўғими вальгусли деформацияси даражаси ва сохта бўғим муддати кўрсаткичларини инобатга олиш тирсак бўғими вальгусли деформациясини даволаш тактикасини белгилашда елка суяги дистал қисми дефектини бартараф этиш ва қўл ўқини нормаллаштириш учун оптимал эканлиги исботланган. Тадқиқот натижалари Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий филиалининг травматология ва ортопедия бўлими (25.08.2025 й., № 7/1) ҳамда Хоразм вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази (11.08.2025 й., № 221/1) клиник амалиётига жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* тирсак бўғими функциясини яхшилаш, беморларнинг ҳаёт сифати ва меҳнат қobiliятини ошириш билан белгиланади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* асоратлар ва ногиронлик даражасини камайтириш ҳисобига ҳар бир бемор учун ўртача 1000000 сўм маблағ тежалиши билан исботланди. *Хулоса.* Тирсак бўғими посттравматик вальгусли деформациясини даволаш тактикасини белгилашда патологик дефект ҳажми, деформация даражаси, сохта бўғим муддати каби омилларнинг эътиборга олиниши муҳим эканлиги исботланиб, ҳар 1 нафар бемор учун ўртача миқдорда 1000000 сўм иқтисод қилиниши имконини берган.

тўртинчи илмий янгилик: тирсак бўғими вальгусли деформацияларини бир босқичли ва гибрид технологияни қўллаган ҳолда жарроҳлик амалиёти бажарилган беморларнинг қўл иш фаолиятини баҳолаш учун

соддалаштирилган ва амалий тиббиётга мослаштирилган баҳолаш мезонлари беморларнинг функционал имкониятларини адекват баҳолашга имкон бериши исботланган, бунда 77,8% қиёсий гуруҳ беморларидан фарқли равишда 94% асосий гуруҳ беморларида яхши натижалар улушининг ошганлиги аниқланган. Тадқиқот натижалари Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий филиалининг травматология ва ортопедия бўлими (25.08.2025 й., № 7/1) ҳамда Хоразм вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази (11.08.2025 й., № 221/1) клиник амалиётига жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* ушбу ёндашув суяк бўлакларини стабил фиксацияни таъминлаб, тирсак бўғимида эрта реабилитацияни бошлаш имконини бериши, беморлар ҳаёт сифатини яхшилаши ва эрта ногиронликни камайтиришга хизмат қилиши билан исботланади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* эса операциядан кейинги асоратларнинг камайиши ва реабилитация муддатларини қисқаришига эришилиши билан исботланди, бу эса ҳар бир бемор учун ўртача 1275000 сўм маблағ тежалишига имкон яратади. *Хулоса.* Тирсак бўғими вальгусли деформацияларини коррекция қилишда ишлаб чиқилган гибрид технология қўлланган беморларда қўл фаолиятини баҳолаш мезонлари беморларнинг функционал имкониятларини адекват баҳолашга имконият яратган, ва яхши натижалар улушининг ошганлигини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган. 1 ихтирога патент (IAP) олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисми мавзунинг долзарблиги ва заруриятига асосланган, изланишнинг мақсади ва вазибалари, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқотнинг фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, ўтказилган текширувларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Елка суяги бўғим юзи бошчаси синишлари ва уларнинг асоратлари, таснифлаш, ташхислаш ва даволаш муаммоларининг замонавий ҳолати»** деб номланган биринчи боби катта болдир суяги дўнглиги эскирган синишининг этиопатогенези, клиник кўринишлари, диагностика ва даволашнинг мавжуд усуллари бўйича замонавий адабиётларни таҳлил қилишга бағишланган. Ушбу патологияни ташхислаш ва даволаш муаммоларига бағишланган тиббий маълумотларлар таҳлили ўтказилган, консерватив ва жарроҳлик даволашнинг мавжуд усуллари тавсифи берилган.

Диссертациянинг **«Тирсак бўғими вальгусли деформациялари мавжуд беморлар умумий тавсифи. Тадқиқот дизайни, материали ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида беморлар клиник, инструментал текшириш натижалари (рентгенография, МСКТ ва электронейромиография) ва статистик тадқиқотлар таърифи келтирилган. Тадқиқот объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий амалий тиббиёт маркази клиникасида даволанган 85 нафар турли муддатлардаги елка суяги бўғим юзи бошчаси сохта бўғимлари асосида турли ривожланиш даражадаги тирсак бўғими вальгусли қийшиқлари мавжуд беморлар клиник материалларига бағишланган. Клиник материал 2016-2024 йилларда Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий амалий тиббиёт марказида (70 нафар) ва Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида (15 нафар) стационар даволанган елка суяги бўғим юзи бошчаси сохта бўғими мавжуд бўлган беморларни ташкил қилади.

Беморлар даво тактикаси ва усуллари кўра 2 гуруҳга бўлинган:

қиёсий гуруҳ – 2016-2020 йиллар мобайнида даволанган 36 (42,4%) нафар беморларни ўз ичига олган. Уларнинг ёши ва тирсак бўғимидаги вальгусли қийшиқлик даражасидан қатъий назар, оператив даво мақсадида бир (елка суяги сохта бўғимини резекцияси + елка суяги коррекцияловчи остеотомияси + Илизаров аппарати билан остеосинтез) ёки икки босқичли (1-чи босқичда - елка суяги сохта бўғими резекцияси + Илизаров аппарати билан остеосинтез 3,5-4 ой давомида фиксация қилинади); 2-чи босқич 1,5-2 йилдан кейин бажарилади, суяк регенерацияси яқунлангач, елка суягини дўнглари устидан коррекцияловчи остеотомия қилиниб, яна Илизаров аппарати билан остеосинтез бажарилади. Ушбу 15 нафар беморлар қиёсий гуруҳга киритилди.

асосий гуруҳ – 2020-2024 йиллар мобайнида даволанган 49 (57,6%) нафар беморлар бўлиб, уларда даво тактикасини танлаш учун беморлар ёши ва

тирсак бўғими вальгусли қийшиқлиги даражаси асос қилиб олинган ва беморларда амалиётдан кейинги тирсак бўғими контрактурасини олдини олиш мақсадида остеосинтез жараёнида «гибрид технология» қўлланилган – Илизаров аппаратида ташқари «Herbert» ва спонгиоз винтларини қўллаб жарроҳлик амалиётлари бажарилган.

Беморлар ёш гуруҳига кўра бўлганимизда, кўпчилик беморлар 1-чи ўринда 3-7 ва 7-11 ёшларда 36 нафарда, 2-чи ўринда 11-15 ёшда 32 нафарда ва камчилик ҳолларда 15-18 ва катта ёшли беморлар орасида 17 клиник ҳолатларда аниқланди (1-жадвал).

Беморларда тирсак бўғим вальгусли қийшиқлигини ривожланишига жароҳат муддати асосий роль ўйнаганлиги, яъни жарроҳлик муддати ошиб бориши билан елка суяги дистал қисмида асептик некроз жараёни кучайиб бориши, унинг натижасида қўл ўқининг вальгусли қийшиқлик даражаси ҳам ривожланиб бориши кузатилди. Тирсак бўғими вальгусли қийшиқлиги оғирлик даражаси мавжуд ишчи тасниф ёрдамида (Хужаназаров И.Э., Ходжанов И.Ю., 2007) таҳлил қилинди. Таҳлил натижасига кўра, асосий гуруҳ беморларида II ва III оғирлик даражаси тирсак бўғими вальгусли қийшиқликлари қийсий гуруҳ беморларига нисбатан юқори рақамларда аниқланди: асосий гуруҳда 23 нафар беморда II даражаси деформация, 22 беморларда эса III даражаси вальгусли деформация кузатилган, қийсий гуруҳда эса 15 нафар беморларда II даражаси, 17 нафар беморларда III даражаси вальгусли деформация кузатилган.

Қўл, шу жумладан тирсак бўғими ҳаракат фаоллигини ва турмуш фаолиятидаги амалий имкониятларини баҳолаш учун дастур ишлаб чиқилди. Ушбу дастур ичида яратилган протокол 3 қисмдан иборат: 1-қисмда беморнинг умумий паспорт маълумотлари махсус сўровномага киритилади, соғлом ва шикастланган қўлдаги ҳаракатлар фаолиятини баҳоловчи машқларни бажартирилади; 2-қисмда беморларда қўл ёрдамида бажарилган ҳаракатлар амплитудаси мезонлар ёрдамида балларда баҳоланилади, бунда максимал балл 50 ни ташкил этади; 3-қисмда эса беморларда қўл функционал имкониятлари 1- ва 2-қисм натижалари асосида умумий баҳоланиб, хулоса қилинади ва керакли тавсиялар берилади. Баҳолашда «яхши» – 40-50 балл, «қониқарли» – 30-40 балл ва «қониқарсиз» – 30 ва ундан паст баллар сифат мезонлари қилиб олинди.

1-жадвал

Тирсак бўғими вальгусли қийшиқлиги мавжуд беморларнинг қийслама гуруҳларда ёш ва жинс мезонлари бўйича тақсимланиши

Қийслама гуруҳлар	Ёш гуруҳлари Жинс	3-7 ва 7-11 ёшлар		11-15 ёш		15-18 ёш ва катталар	
		п	%	п	%	п	%
Асосий	Угил болалар	8	9,4%	11	12,9%	9	10,6%

гуруҳ, n= 49 (57,6%)	n=28 (32,9%)						
	Қиз болалар n=21 (24,7%)	8	9,4%	5	5,9%	8	9,4%
Қиёсий гуруҳ, n= 36 (42,4%)	Угил болалар n=21 (24,8%)	12	14,2%	9	10,6%	0	0
	Қиз болалар n=15 (17,6%)	8	9,4%	7	8,2%	0	0
Жами 85		36	42,4%	32	7,6%	17	20%

Қўшимча равишда ушбу мезонлар тирсак бўғим вальгусли деформациясини операциядан олдин ва кейин даво натижаларини баҳолаш мақсадида Mayo Elbow Performance Score (MEPS) шкаласи (F.Morrey, 1987) ёрдамида текширилди. Шкала - оғриқ, ҳаракат ҳажми, стабиллик ва функция (фаолият) каби 4та мезонларни ўз ичига қамраб олган.

Диссертациянинг «**Тирсак бўғими вальгусли деформацияси мавжуд беморларда клиник ва инструментал тадқиқот усуллари натижалари таҳлили, даво тактикасини танлаш ва жарроҳлик усулини такомиллаштириш**» деб номланган учинчи бобида ушбу турдаги патологияни ташхислаш ва даволаш усуллари батафсил тавсифланган. Тирсак бўғими вальгусли қийшиқлиги мавжуд 85 нафар беморларда ўтказилган клиник ва инструментал тадқиқотлар натижалари таҳлил қилинди, бунда асосий этиборни патологик ўзгариш мавжуд тирсак бўғими функционал имкониятларига, бирламчи жароҳатдан ёки жарроҳлик амалиётидан сўнг қон томир ва нерв толалари зарарланиш белгилари мавжудлигига, елка соҳаси мушаклари атрофияси даражасига ва тирсак бўғими деформацияси даражасини аниқлаш мақсадида соҳасидаги «Маркс белгиси» ўзгаришларининг оғирлик даражасига қаратилди.

Биринчи навбатда 36 нафар (100%) қиёсий гуруҳ беморларидан елка суяги бўғим юзи бошчаси сохта бўғим юзага келиш муддати бўйича тақсимланиши таҳлил қилинди:

Тирсак бўғими вальгусли қийшиқлигининг I даражаси мавжуд беморларда (4 нафар, 11%) патологик жараён муддати 1-3 йилни, II даражаси мавжуд (15 нафар, 42%) беморларда 3-7 йилни, III даражаси мавжуд (17 нафар, 47%) беморлардан 7 нафарида 3-7 йилни, 10 нафарида эса 7-10 йилни ташкил этди, ушбу гуруҳда 1-3 йиллик патологик жараён муддати билан бўлган беморлар аниқланмади.

Тирсак бўғими вальгусли қийшиқлигининг турли оғирлик даражаси бўйича 36 нафар (100%) қиёсий гуруҳ беморларида аниқланган клиник мезонлар таҳлил қилинди, бунда «суяк бўлагининг патологик ҳаракатчанлиги», «Маркс белгиси бузилганлиги» ва «тирсак бўғими латерал ностабиллиги» каби мезонлар елка суяги бўғим юзи бошчаси сохта бўғимининг II-III даражаларида жами 32 (89%) беморларда қайд этилди, сохта бўғимнинг I даражасида эса қайд этилмади.

Тирсак бўғими вальгусли қийшиқлиги даражаси ошиши билан елка суяги дистал қисми анатомик структураларининг комплекс дефектлари аниқланди:

Барча 36 нафар (100%) назорат гуруҳи беморларида «елка суяги бўғим юзи бошчаси дефекти» 17 беморда (47%) «елка суяги ташқи дўнглиги ва метафизи дефекти», 12 беморда (33%) «елка суяги ғалтаги дефекти» ва 7 беморда (20%) «тирсак суяги тирсак ўсиғи чуқурчаси дефекти» белгиланди.

4 нафар тирсак бўғими вальгусли қийшиқлиги I даражаси (11-25°) мавжуд беморлардан 3 нафариди «елка суяги бўғим юзи бошчаси дефекти» ва қолган 1 нафарда «елка суяги ташқи дўнглиги ва метафизи дефекти» аниқланди.

Тирсак бўғими II даражали (26-35°) вальгусли қийшиқлиги мавжуд 15 нафар беморларда елка суяги бўғим юзи бошчаси асептик некрози даражаси I даражали беморларга нисбатан кучлироқ ривожланган бўлиб, елка суяги дистал қисмининг анатомик структуралари дефектлари сифатида аниқланди.

17 нафар тирсак бўғими III даражали (>36°) вальгусли қийшиқлиги мавжуд беморларда елка суяги бўғим юзи бошчаси асептик некрози кучли ривожланганлиги кузатилиб, бунда «елка суяги бўғим юзи бошчаси дефекти» 45% ҳолатларда, «елка суяги ташқи дўнглиги ва метафизи дефекти» 82% ҳолатларда, «елка суяги ғалтаги дефекти» ва 53% да «тирсак суяги тирсак ўсиғи чуқурчаси дефекти» 71% ҳолатларда аниқланди ва бундай дефектлар ҳажмининг ошиши вальгус даражасини ошишига тўғридан тўғри пропорционал эканлиги аниқланди.


36 нафар қиёсий гуруҳга мансуб патологик вальгус қийшиқлиги I ва II даражалари мавжуд 10 нафар беморларда қўл ўқини тўғрилаш зарурати бўлмаган ҳолда сохта бўғим резекцияси ўтказилди ва Илизаров аппарати ёрдамида остеосинтез бажарилган, аммо бунда юқорида кўрсатилган мезонлар эътиборга олинмаган. Қиёсий гуруҳнинг қолган 26 нафар беморларида тирсак бўғими II-III даражали вальгусли қийшиқликлари кузатилиб, 2 босқичли жарроҳлик амалиёти бажарилган, яъни 1-босқичда елка суяги бўғим юзи бошчаси сохта бўғимини резекцияси амалган оширилган. 2 босқичда эса қўл ўқини тиклаш амалиёти бажарилган, бунда елка суяги дистал қисмидан коррекцияловчи остеотомияси ва Илизаров аппарати билан остеосинтези бажарилган.

49 нафар асосий гуруҳ беморларида даволашга кўрсатмалар ишлаб чиқиш ва оптимал даво усулини танлашда тирсак бўғими вальгусли қийшиқлиги оғирлик даражаси, елка суяги бўғим юзи бошчаси сохта бўғими муддати ва қўшимча равишда клиникада ишлаб чиқилган «патологик дефект» миқдори кўрсаткичларига таянилди ва «тирсак бўғими вальгусли деформациясини диагностика ва хирургик даво тактикасини танлаш дастури» (№DGU 34928, 2024) ишлаб чиқилди (1-расм).

Тирсак бўғими вальгусли қийшиқлиги мавжуд беморларда даво усулига кўрсатмалар белгилаш мақсадида елка суяги бўғим юзи бошчаси сохта бўғимининг муддати, тирсак бўғими вальгусли қийшиқлиги даражаси ва елка суяги дистал қисми патологик дефекти каби клиник мезонлар ёрдамида

алгоритм ишлаб чиқилди. Алгоритм маълумотларига асосан 2 хил даво тактикаси танланди.

Барча 49 нафар асосий гуруҳ беморларида оператив даво 1 босқичда амалга оширилди.



1-расм. Тирсак бўғими вальгусли қийшиқлигида даво усулига кўрсатмалар ишлаб чиқиш ва даво тактикасини танлаш тактикаси

Улардан 13 нафар беморда елка суяги бўғим юза бошчаси сохта бўғими резекцияси + Илизаров аппарати остеосинтези қўшимча 1та спонгиоз винт билан амалга оширилди. Ушбу комбинацияланган даволаш тактикаси елка суяги бўғим юза бошчаси сохта бўғимининг муддати 1-3 йил атрофида ва тирсак бўғими вальгусли қийшиқлиги даражаси 25° гача ва елка суяги дистал қисми ҳажмий дефекти 15% гача бўлганда бажарилди, яъни ушбу категорияли беморларда елка суяги дўнғлар устидан коррекцияловчи остеотомия амалиётини бажариш зарурати бўлмаслигига имкон яратилди.

Қолган 36 нафар беморда елка суяги бўғим юзи бошчаси сохта бўғими резекцияси, елка суяги дўнғлар устидан коррекцияловчи остеотомияси, Илизаров аппарати ва 2 та спонгиз винтлар билан остеосинтез бажарилди. Бунда елка суяги бўғим юзи бошчаси сохта бўғими муддати 3 йилдан зиёд, тирсак бўғими вальгусли қийшиқлиги даражаси 26° дан ошди ва елка суяги дистал қисми патологик дефекти 16% дан кўп бўлганда бажарилди, яъни ушбу категорияли беморларда тирсак бўғими вальгусли қийшиқлигини бартараф этиш ҳамда қўл анатомик ўқини тиклаш зарурлигини инобатга олиб, елка суяги дўнғлар устидан коррекцияловчи остеотомия амалиёти бажариш зарурлиги исботланди.

Спонгиоз винтлар ўлчамлари елка суяги дистал қисмининг ўлчамларига мос равишда турлича танланди.

Елка суяги дистал қисми асептик некрози ривожланганлик даражаси «патологик дефект» миқдоридан келиб чиқиб қуйидаги 3 оғирлик даражаларига бўлинди:

- I оғирлик даражаси – патологик дефект 15% гача;
- II оғирлик даражаси – патологик дефект 16-30%;
- III оғирлик даражаси – патологик дефект 31% дан кўп деб белгиланди.


«Патологик дефект» юзаси майдони учбурчак техникаси бўйича аниқланди ва бунда учбурчаклар юзаси Герон формуласи ёрдамида ҳисоблаб чиқарилди (Щетников А.И., 2006)

$$S = \sqrt{p(p-a)(p-b)(p-c)}, \quad p = \frac{1}{2} \cdot (a+b+c).$$

Ушбу формула ёрдамида патологик дефект юзасини рентгенограммада аниқладик (2-расм).

